

МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ – ТАЛАБА-ЁШЛАРДА КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИ

**Санаева Сурайё Бобоназаровна
Ўзбекистон, Навоий инновациялар университети
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, доцент**

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ёшларини маънавий-маърифий ишларга жалб этишнинг зарурати ва бу борадаги олиб борилаётган ишлар, шунингдек, олий таълим муассасаси талабаларининг касбий ривожланишида аудиториядан ташқари ишлар, яъни турли тадбирлар, маънавий ишларни тизимли ташкил этишнинг самарадорлиги ҳақида баён этилади.

Калит сўзлар: маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этиш, олий таълим муассасаси талабаларининг умумкасбий компетенцияларини шакллантириш жараёни, аудиториядан ташқари фаолият, талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий компетенциялар тизимини жадал шакллантириш.

SYSTEMATIC ORGANIZATION OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL WORK-THE BASIS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT IN STUDENT-YOUTH

Annotation. This article describes the need to involve the youth of the Republic of Uzbekistan in spiritual and educational work and the work carried out in this regard, as well as the effectiveness of non-audience work, that is, the systematic organization of various activities, spiritual work in the professional development of students of the higher educational institution.

Keywords: the organization of spiritual and educational processes, the process of forming universal competencies of students of a higher educational institution, activities outside the audience, increasing the social activity of students, the accelerated formation of a system of spiritual competencies.

СИСТЕМАТИЧЕСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ДУХОВНО- ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ – ОСНОВА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ СТУДЕНТОВ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В данной статье описывается необходимость привлечения молодежи Республики Узбекистан к духовно-просветительской работе и проводимая в этом направлении, а также эффективность систематической различных мероприятий, духовная работа, в профессиональном развитии студентов высших учебных заведений.

Ключевые слова: организация духовно-воспитательных процессов, процесс формирования общепрофессиональных компетенций студентов высших учебных заведений, деятельность вне аудитории, повышение

социальной активности студентов, интенсивное формирование системы духовных компетенций.

Республикамида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда[1].

Давлатимиз томонидан маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимни ташкил этиш, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари тизимли йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26-мартда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5040-сонли қарорига асосан мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда, айниқса, таълим соҳасида ёшларимизнинг замонавий таълим олиши, миллий-маънавий қадриятларимизни чуқур ўрганиши, турли соҳаларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориши, жаҳон тажрибаларини ўрганиши, хорижий илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиши, замонавий илм ва техниканинг чўққиларига эришиши учун тўлиқ шароитлар яратилмоқда. Талаба-ёшларнинг инновацион, адаптацион шароитда ишлашини, тез ўзгарувчан шароитларга нисбатан қайишқоқ бўлишини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Шу боис ҳам олий таълим муассасалари талабаларини замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ривожлантириш, таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мазкур тизимни янги сифат босқичига кўтаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Замонавий олий таълим муассасаси талабаларни маънавий-маърифий ишларга жалб этиш – муассасанинг таълимий ва ижтимоий фаолиятининг ажralmas қисмидир. Бу талабаларнинг умумкасбий лаёқатини шакллантиришнинг очиқ, ўзгарувчан, демократик соҳасидир.

Олий таълим муассасаси талабаларининг умумкасбий компетенцияларини шакллантириш жараёнининг ўзига хосликларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ талабалар томонидан ҳар бир касб соҳиби бўлмиш фуқаро учун зарур бўлган умумкасбий (универсал) компетенцияларнинг айнан уйғунликда эгалланиши ва уларнинг шахс учун аҳамиятли янги фазилатларга айланиши;
- ❖ аудиториядан ташқари фаолиятнинг турли шаклларида (ижодий, тадқиқий, амалий касбий йўналишдаги ёки ўхшаш соҳаларда) назарий билим кўнилмалар, бўлғуси касбга ижобий мотивациянинг қарор топиши, мустаҳкамланиши;
- ❖ касбий аҳамиятга йўналтирилган фаолиятда (касбий, таълимий, ижтимоий, юридик, иқтисодий, ахборот ва ҳоказо) компетенцияларнинг ихтиёрий-индивидуал (талабанинг ёши, ҳаётий ва иш тажрибаси, шахсий,

жисмоний, ақлий, руҳий қобилиялари ва имкониятлари инобатта олинган ҳолда) ўзлаштирилиши;

- ❖ муайян фаолият тuri, шакли субъекти – талабанинг асосий фаол ижодий позицияси;
- ❖ компетенциялар шакланиши натижаларининг кўргазмалилиги, ўзгариб бориши; шахс учун аҳамиятли мухим сифат (устуворлик) ва миқдорий (ижтимоий, маданий) кўрсаткичларнинг уйғулиги;
- ❖ талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳаётий фаолияти, уларнинг ҳамкорлик доираси – мухити;
- ❖ амалиётнинг янги эҳтиёжларига оператив муносабатни қарор топтириш.

Маънавий-маърифий ишлар асосан аудиториядан ташқари вақтларда ташкил этилади. Аудиториядан ташқари фаолият талабалар билан ўқув машғулотларидан ташқарида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг турли-туман турлари ва шакллари мажмуи сифатида:

- ❖ тарбиядаги устуворлик (талабанинг касбий, маданий, ижтимоий, фуқаролик-ватанпарварлик, шахсий ривожланиши);
- ❖ талабаларнинг жамият учун аҳамиятли, ижтимоий йўналган, шахсий аҳамиятга эга касбий фаолияти, меҳнатда фаоллиги; рақобатбардошлиги;
- ❖ талабаларнинг атроф-муҳит, ишлаб чиқариш, фан, ижтимоий-маданий муҳит билан турли-туман ўзаро таъсирлари;
- ❖ ташкилотчи-бошқарувчи, менеджерлик қўнималарини эгаллаши;
- ❖ олий таълим муассасаларининг мактабгача, умумий ўрта таълим, “Баркамол авлод” мактаблари, профессионал таълим каби таркибий тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион кўринишидир. Бу, энг аввало, шундай бир инновацион фаолият соҳаси, унинг замирида инсон тарбиясининг устувор асоси сифатида фаолиятнинг хилма-хил (касбий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, бошқарув) турлари ва йўналишлари ётади;
- ❖ очик, инсонпарвар мулоқотнинг, ҳамкорлик муносабатларининг, субъектларнинг биргаликдаги ҳаракати;
- ❖ талабанинг ижодий имкониятларининг намоён бўлиши;
- ❖ аудиториядан ташқари машғулотларда ўқув машғулотларида шаклланадиган компетенциялар баҳоланади, амалда қўлланилади, мустаҳкамланади; талаба инсон фаолиятининг янги турларига кириб бориши негизида янги компетенциялар шаклланади; эгалланган компетенциялар касбий маҳорат соҳиби, тўлақонли фуқаро бўлиб етишаётган инсоннинг янги сифат ва фазилатларига айлана борадики, фанда улар мухтасарликда компетентлилик деб аталади[4].

Талабаларни олий таълим муассасасининг аудиториядан ташқари тарбиявий потенциалини рўёбга чиқаришга жалб этишининг касбий-педагогик таълим тажрибасида вужудга келган шакллари ва усуслари уларнинг мустакил касбий ижодий фаолиятининг асоси бўлмиш умумкасбий компетенцияларнинг шакланишида уларнинг субъектив роли борлигини тасдиқлайди.

Ҳозирда талаба-ёшларни тарбиялаш самарадорлигини оширишга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий компетенциялар тизимини жадал шакллантириш лозимлигини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5040-сонли қарорида белгиланган чора-тадбирларни ҳар бир олий таълим муассасасида тизимли ташкил этиш орқали талабаларда касбий ривожланишга эришиш мумкин дея, баралла айтиш мумкин. Масалан, илм-фан, санъат ва маданият, ахборот технологиялари, бадиий ижод, архитектура ва дизайн, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик каби турли соҳаларда фаолият юритаётган, ташаббускор ва фидойи талаба-ёшлар ўртасида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳасини амалга ошириш; юртимиз тарихи, маданий меросимиз, одоб-ахлоқ қоидалари, миллий қадриятлар, эзгу фазилат ва анъаналарни ёш авлод қалбига сингдириш мақсадида болаларнинг қизиқиши ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, қисқа метражли анимацион мультимедиа маҳсулотлари, мобил иловаларни яратиш; “Жадид маърифатпарварлари ғояларидан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш” мавзусида инновацион тадқиқотларни амалга ошириш[1] кабилар талаба-ёшларда нафақат маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга бўлган мотивацияни, балким улардаги касбий ривожланишнинг жадаллашувини келтириб чиқаради.

Хуроса ўрнида шуни таъкидлашимиз зарурки, талабаларнинг касбий ривожланишини бир томонлама – ўқув жараёни билан боғлаб қўйиш кутилган натижани бермаслигини тажрибалар кўрсатмоқда. Балки, талабаларни тарбиявий жараён – маънавий-маърифий ишларга жалб этиш орқали улардаги умумкасбий компетенцияларнинг ошишига эришиш мумкинлиги исботини топмоқда. Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таълим ва тарбияни қушнинг икки қаноти[3]га қиёслангани каби, талабаларнинг умумкасбий ривожланишида ўқув жараёни ва маънавий-маърифий ишлар уйғунлигини ташкил этиш юқори натижа беришини амалиёт кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26-мартда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5040-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-иловаси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

4. С.Б. Санаева. Необходимость развития общепрофессиональных компетенций у студентов. Colloquium-journal, 13-15. 2022.
5. Sanaeva Surayyo Bobonazarovna. The ways of organizing students' educational activity in higher pedagogical institutions. // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 2022
6. SS Bobonazarovna. The ways of organizing students' educational activity in higher pedagogical institutions. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2022

STEAM DARSLARINI TASHKIL ETISHDA “5 E O`QUV MODELI” DAN FOYDALANISH

**O`zbekiston, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti professori, p.f.d., Sh.A.Abdullayeva,
Navoiy innovatsiyalar universiteti kafedrasи o`qituvchisi, PhD L.I.Suvonova**

Annotatsiya: maqolada zamonaviy ta’lim trendlaridan biri-STEAM texnologiyasi va uni amalga oshirishda “5 E o`quv modeli”dan foydalanish haqida fikr yuritilgan. Dars jarayonida STEAM texnologiyasi negizida tahsil oluvchilarni mashg`ulotga jalb etish, ularda tadqiqotchilik ko`nikmalarini shakllantirish, tushuntirish, ishlab chiqish va baholashga doir kompetensiyalarni shakllantirishning ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit so`zlar: STEAM, konstruktivizm, engage-jalb etish, explore-tadqiq qilish, explain-tushuntirish, elaborate- ishlab chiqish, evaluate-baholash.

USING THE “5 E LEARNING MODEL” IN ORGANIZING STEAM LESSONS

Abstract: This article discusses the use of the “5 E learning model” using STEAM technologies to engage students in conducting research, understanding scientific concepts, and teaching them how to relate concepts and phenomena.

Keyword: STEAM, constructivism, engage, explore, explain, elaborate, evaluate.

Bugungi kunda ta’limning asosiy g‘oyasi bu – yosh kadrlarni ijodiy g‘oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, ularning bilim, ko‘nikma va malakalarini ilg‘or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon hamda talablar asosida takomillashtirishdir. Ma’lumki, STEAM ta’limi o‘zaro fanlar integratsiyasi bo‘lib, talabalarga bir nechta fanlarni uzviy bo‘gliqlikda o‘rganib, ijodiy yondashuv malakalarini namoyon etishga imkon yaratadi. Bugungi kunda jahon ta’lim tizimida “5E o`quv modeli” ommalashib bormoqda va talabalarga bilim berish jarayonida ushbu modeldan samarali foydalanib kelinmoqda. Konstruktivizm nazariyasi tomonidano‘quv materiallarining loyihalash jarayonini soddallashtirish